

Зиёратчиларимиз Макка шаҳрида эҳтиром билан кутиб олинди



12:15 / 17.05.2025 1005

16 май куни «Ҳаж – 2025» мавсумининг илк гуруҳ зиёратчилари Маккаи Мукаррамага замонавий автобусларда етиб келишди. Уларни Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутасаддилари, мамлакатимизнинг Саудиядаги Атташеси ва ишчи гуруҳлари эҳтиром билан кутиб олишди.

Ҳамюртларимиз «Al-Ayam Elite» ва «Romance room» меҳмонхонасига жойлаштирилди, уларга зам-зам сувлари, хурмо, ширинликлар, гуллар ва ҳадялар улашилди.

Ҳурмат ва илтифотдан кўнгиллари шод бўлган юртдошларимиз Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтиб, уларга бўлган эътиборни нафақат мамлакатимизда, балки олис Макка шаҳрида ҳам чин дилдан ҳис этишди.

Замонавий меҳмонхонада зиёратчиларимиз моҳир ошпазларимиз пиширган лаззатли таомлардан баҳраманд бўлдилар.

Таматтуъ ҳажини ният қилган зиёратчиларимиз умра амалини адо этмоқдалар.